



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

■ БУГУННИНГ ГАПИ

ЁЗ СЎНГИДАГИ ҲАР КҮН ҒАНИМАТ

Бугун алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоизки, кунни тунга улаб меҳнат қилган лафзи ҳалол деҳқону фермерларимиз йилнинг қуроқчил келиши ва сув тақчиллигига қарамай, 100,2 минг гектар майдонда нафақат мўл, балки ҳар қачонгидан ҳам эртаки пахта ҳосили етиштиришди. Ҳозирги кунда миллионлаб чаноклар чаман бўлиб очилган беоён пахтазорлар кўзимизни қувнатиб, дилмишни яшантиб, қалбимизда шукроналик туйғулари уйғотмоқда.

Бу вилоятимиз пахтакорларининг эрта кўкламдан бери, қолаверса, ҳар йилгидек, август ойини ҳосилга ҳосил қилиш охири деб эълон қилиб, энг муҳим агротехник тадбирларни айни вақтида ва оби-тобида амалга оширилганлиги самарасидир. Мана, ҳосил тақдирини ҳал қилувчи август ойи ҳам охирига қолди. Аммо, бу ғўза парвариши якунига етди деган гап эмас. Ҳали олдинда шундай муҳим агротехник тадбирлар, долзарб юмушлар турибдики, уларни ҳам маромига етказиб бажариш суви билан ҳаводек зарур.

Бу йил терим мавсумини ташкил этишга янги тартиблар билан ёндошилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ҳўжалик қотибиди бош мутахассиси Ҳакимжон Муродов. Йилнинг терим тартиби жадалдаги ҳисоб-китобларимизга кўра, агар ҳар бир фермер ҳўжалиги раҳбари ўзига тегишли пахта майдонининг ҳар гектарига уч теримчи иштирок этишини таъминласа, мавсумнинг бошидан охиригача сўьат пасаймайди ва энг муҳими, давлат эҳтиёжлари учун ҳам ашё топшириш шартномасида белгиланган 255 минг тонналик "оқ олтин" хирмони бир ойдан кечиктирмай бунёд этилади.

■ ИСТИҚЛОЛДАН МАМНУН ЧЕҲРАЛАР



Давлатимиз раҳбарининг 6 миллион 800 минг тонна дон хирмони уйған ўзбекистон ғаллакларини таъминлашга қўшган кўн Загнот туманидаги "Шуҳрат зиё" фермер ҳўжалиги аъзоларининг хотирасида бир умр муҳрланиб қолса ажаб эмас. Зоро, Юртбошимиз минглаб фермерлар орасида ҳосилдорликни 75-88 центнерга кўтариб, мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қўшган олтин қўн Загнот туманидаги "Шуҳрат зиё" фермер ҳўжалиги аъзоларининг хотирасида бир умр муҳрланиб қолса ажаб эмас. Зоро, Юртбошимиз минглаб фермерлар орасида ҳосилдорликни 75-88 центнерга кўтариб, мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қўшган олтин қўн Загнот туманидаги "Шуҳрат зиё" фермер ҳўжалиги аъзоларининг хотирасида бир умр муҳрланиб қолса ажаб эмас. Зоро, Юртбошимиз минглаб фермерлар орасида ҳосилдорликни 75-88 центнерга кўтариб, мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қўшган олтин қўн Загнот туманидаги "Шуҳрат зиё" фермер ҳўжалиги аъзоларининг хотирасида бир умр муҳрланиб қолса ажаб эмас.

БУ ЙИЛ УНИНГ ДОНФИ ЧИҚДИ

Этироф этиш керакики, ҳамма ҳам давлат раҳбарининг назарига тушвермайдди. Бундай шараф муносибларнинг муносибларига насиб этади. Фермер Нигмон Салимов 48 ёшида шундай шарафга муяссар бўлди. Холқуви, у фермер ҳўжалигини нисбатан ақунда, яъни 2006 йилда ташкил этган. Аммо, ўзининг айтишича, "эсини танганидан буюн деҳқончилик қилади". Ҳозир экин майдони оз эмас-кўп эмас, 104 гектар. Сабзавоткор туманларда бундай йорик фермер ҳўжаликлари бармоқ билан санарли даражада кам. Негакки, шундай катта майдонда турли хил сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ўзи бўлмайди.

■ ИСТИҚЛОЛ САДОЛАРИ

Бугун суюкли Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси овоздлик ва хурлик наҳшасида эмин-эркин нафас олиб, ҳаётимизни янада фаровонлаштириш, юртимиздаги туб ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлиш озуни нияти билан яшаб, меҳнат қилмоқда. "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" ширин остида Кибрай тумани "Май" маҳалласида ўтказилган маънавий-маърифий тарғибот анжуманида шу муборок туйғу баралла сезилиб турди. Маҳаллада яшовчи 156 киши иштирок этган учрашувда одамлар кейинги йилларда қишлоқ қанчалик обод ва кўркам бўлган, маҳаллар ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маънавий тарбиянинг ҳақиқий марказига айланганлигини алоҳида қониқиш билан тилга олишди.

МАҲАЛЛА — МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

Энг улуғ, энг азия байрам арафасида бундай тарғибот тадбирлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларда кенг миқёсда ўтказилляпти. Улар мустақил тараққиёт йилларида маҳалла, ҳар бир шаҳарга еки қишлоққа юз берган бекис ўзгаришларнинг ўзига хос кўригига айланляпти. Миллий истиқлол йилларида маҳалла чиндан ҳам ўзгача мақом ва ҳуқуқий асос касб этди. Юртбошимиз ташаббуслари билан маҳаллаларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишга давлат бошқарувининг энг куйи бу бўғини таъсирини кучайтиришга катта эътибор қаратилди ва қаратилмоқда. Зоро, маҳаллалар ҳалқимизнинг узок ўтмиши, маънавияти ва қадриятларини ўзда муҳкасмаб этиб, оилани мустақиллаш, маънавий ва жисмоний баркамол янги авлодни тарбиялашда тобора катта ўрин тутмоқда.

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

«ЗАГНОРИ ОЛОВ» — ФАРОВОНЛИГИМИЗ МАНБАИ

Бугунги ҳаётимизни табиий газ таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. "Зангори олов" ҳонадонларимизга илтиқлик, турмушимизга файз-баракат бағишламқода. Айтиш керакики, газ нафақат аҳоли учун қулайлик яратишда, балки санаят, маънавий ҳўжасини таъминлаш билан бирга, бошқа кўпша соҳаларнинг ишчи раъвожланишида бекис ўрин тутди. Шу боис, бу бебаҳо неъматдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КўЧИРИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсатида:
2011 йил 27 август шанба ва 28 август якшанба дам олиш кунлари 29 август душанба ва 30 август сешанба кунларига кўчирилсин;
2011 йил 27 август шанба ва 28 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2011 йил 24 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ Тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуглаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида" 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонида мувофиқ:
1. 2011 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 31 августга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2011 йил 31 август дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2011 йил 25 август.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан ғалла, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоини раъвожлантириш, маънавийтаъминоти тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, халол хизмати, ёшларни она-юрта муҳаббат, истиқлол гоиларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанини юксак мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

- "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" — Фармойишда тегишли вазирлик ва идоралар тузилмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарздорликни хатловдан ўтказишни таъминлашга оид фаолиятини мувофиқлаштириш бекис кўзда тутилмаган. — дейди унитар корхонанинг газ сотиш ва уни ҳисобга олиш хизмати бошлиғи Мирсалим Исмоилов. — Коммунал ҳўжалиги хизмат кўрсатиш соҳасида энг мураккаб тизим ҳисобланади.
- Алиева Жамила Фатхуллаевна — Зангиота тумани маънавий хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи директори
- "Шуҳрат" медали билан Баратова Сайра Раҳमतова — Юқори Чирчик тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудир
- Киршина Ирина Владимировна — Юқори Чирчик туманидаги 7-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқувчиси

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ



ЯШАСИН! МАКТАБИМИЗ ЯНГИ БЎЛДИ

Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғида 37-умумтаълим мактаби Давлат умуммиллий дастури асосида капитал реконструкция қилинди.

Ўнда 37-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари олдида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган бинони кўз қорачиғидек асраб, кунт ва сабот билан таълим-тарбия бериш ва билан олиш масъулияти турибди.

Саида РАҲИМОВА. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.



КЎРГАЗМА

Қўлёзмада акс этган миниатюра

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида республика rassomларининг Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмада Тошкент, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Нукус, Наманган, Қўқон, Андижон, шахрисабзлик турли миллат вакилларида иборат 230 rassom ва ижодкор усталарнинг 500 дан ортиқ рангтаъбир, графика, ҳайкалтарошлик, халқ ва амалий безак санъати бўйича кейинги 20 йил ичида яратган асарлари ўрин олган.

(2008 йил), "Бўстонлик. Тоққа йўл" (2009 йил), "Чимган" (2002 йил), "Оқтош" (2011 йил), "Бурчмулла. Ёз" (2010 йил) каби асарлар нафақат ижодкорлар, балки оддий муҳлислар диққатини ҳам ўзига тортади, мафтун этади.

Тасвирий санъатда ўзига хос ўринни эгаллаган ҳайкалтарошларнинг намоишга қўйилган асарларида замондошларимиз ва буюк алломаларимизнинг руҳий ҳолатлари ҳам акс этган.

ФОЛИБ «ЛОТЕРЕЯ»ДА АНИҚЛАНДИ

Вилоят олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташаббуси билан 1998-1999 йилларда турилган болалар ўртасида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб футбол турнири ташкил этилди.



жамоалар учинчи ўрин совриндорини аниқлаш учун майдонга тушди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлган "Бўстон" жамоаси галабани (2:1) илби кетди.

Мусобақада вилоят шаҳар ва туманлари, шунингдек, Тошкент шаҳри "Пахтакор" футбол мактаби болаларидан иборат жами 9 жамоа совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

АКС-САДО

Кўпқари - кўпнинг мусобақаси

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 3 август сонида босилган "Кўпқари - кўпнинг иши ми?" сарлавҳали мақолада халқимизнинг азалий ўйини - улоқ чопиш, унинг келиб чиқиши ёритилган.

Мен газетдаги мақола-ни қизиқиб ўқидим. Дарҳақиқат, халқимиз асрлар оша ардоқлаб, янги ҳаётий тажрибалар асосида бойитиб келаётган улоқ чопиш ўйини, унинг турмушимизда қанчалик муҳим ўрин тутиши ҳақида муаллиф билиб-билиб ёзибди.

Кўпқари ёки улоқ ўйини неча асрлардан буён янги-янги авлодлар учун чавандозликка ўрганиш, чиникиш мактаби бўлиб келаётганини маълум. Бу ўйин катта кичик учун бирдек қизиқарли.

лифлар кўплаб туман ва қишлоқларда улоқ бериш анъаналари, машҳур чавандозлар, кўпқарининг мард, ҳалол, юртпарвар ёшларни тарбиялашдаги ўрни ҳақида ёзишарди.

Мустақиллик йилларида ҳарбий қисмларда, чегара қўшинларида отлик гуруҳлар ташкил этилаётганлиги сир эмас.

Пискентда моҳир чавандозлар, улоқ чопиладиган алоҳида майдонлар кўп бўлган. Қишлоқларимизда ташкил этилган кўпқариларда Шимолий Қозоғистону Тожикистонга донғи кетган таниқли улоқчилар қатнашган.

Жабборали КАЮМОВ, меҳнат фахрийси.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами - Истиқлол шодиёналари арафасида тахририятимизга келаётган байрамона руҳдаги қутловлар, шеър, достонлардан иборат мактублар оқими бетўхтов давом этмоқда.

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАЛАРИ

ВАТАН ИФТИХОР

Нақадар севаман сени, жон халқим, Ҳар битта удуминг дилга қоида. Хуш келибсиз, деймиз меҳримиз қалқиб, Куллуқда турамиз юртинг тўйида.

Жужуқлар борадир эргашиб сағра, Кўчмандан келажак ўтиб борадир. "Серкўйш, хур ўлкам, элга бахт, наҳот" - Наҳот ўзингдадир, бахт ҳам ўзингда. Бошланмақда ажиб бор гўзал ҳаёт, Барака аримас ризқу-рўзингда.

Кимки яратганга айтиб шукрона Юртинг хизматиға қамарбастадир, Меҳнатлари албат бергай нишона - Мусулмончилик ҳам секин-астадир.

Дунёни ҳайратта солади тақдор, Ўзбекинг муҳри бу, ўзбек омили Жаҳон йўлларида кезар пуриқор ЎЗ тамғаси бор автомобили.

ИСТИҚЛОЛ

Истиқлол, Шамс каби порлаган кунинг Юз йиллик орзулар қилди тантана. Эл қайта уйғонди чакнаган онинг, Қайтадан турилди бизнинг салтанат

Мен бугун бобомни кўрмоқ истасам Тафтин ҳис этаман мангу оловнинг. "Хотира китоб" да исми мужассам Уларга етмагай кучи фанонинг.

Вақт келиб авлодлар билмоқ бўлсалар, Ўйирма йилимиз сарҳисобини, Не ажаб ҳайратта улар тўлсалар, Очганда тарихинг зарварачини.

Токи қонимизда инсонпарварлик, Чалиниб туражак муруват бонги. Аждодлардан мерос тантилиқ, мардлик Дунёга таралар ўзбекининг донғи.

Мустақиллик йўли бўлмаган равон, Қаҳрамонлар бўлди, қурбонлар бўлди. Неча бўронлардан ўтолдиқ омон, Қалбада гоҳ сурур, гоҳ армонлар бўлди,

Озодлик шукҳи муборақ, Ватан, Ўйирма баҳоринг кутлуғ, Истиқлол! Хеч кимдан ҳеч қачон бўлмагайимиз кам, Бизни қутайтир нурли истиқбол.

Учтепа тумани ТСРҮИ томонидан 2010 йил 12 октябрда 004002-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ODILBEK NET" (ИНН 301715975, ОКОНХ 82100) масъулияти чекланган жамияти ТУГАТИЛАДИ.

Нурали ЖАЛИЛ, Бекобод тумани.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ордона қолгур интернетингдан қачон бўшайсан, соғадиган вақт ўтиб кетди-ку...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манъиямиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ